

Калом қалбга боғлиқдир



17:20 / 04.02.2018 3000

Ҳар бир чиққан каломда у чиққан қалбнинг либоси бордир.

Нурдан кейин чиқадиған каломнинг аломати қалбларга таъсир қилиш, рухларни ҳаяжонга солиш, сирларни завқлантиришдан иборатдир. У каломни ғофил эшитса, огоҳланади, осий эшитса, зажрланади, итоаткор эшитса, яна ҳам фаоллашади, йўлда юрувчи эшитса, чарчоқни унутади, етишган эшитса, ҳолидаги мавжуд имконияти зиёда бўлади.

Сўз – сўзловчининг сифатидир. Агар сўзловчи нурли бўлса, тингловчининг қалбини мунаввар қилади. Агар сўзловчи хира бўлса, унинг сўзининг чегараси тингловчининг қулоғидир.

«Ҳар бир чиққан каломда у чиққан қалбнинг либоси бордир».

Одамлар ёпиқ дўконлардир, гапирсалар, очиладилар. Чорвадор билан аттор ҳам гап-сўзи билан фарқланади.

Сўз қалбдан чиқса, қалбга етади. Сўз тилдан чиқса, энг узоқ борадиған ери қулоқдир. Ҳолнинг ҳаракатга солиши мақолниқидан (сўздан) кучлидир. Агар ҳол билан мақол (сўз) жамланса, тубсиз денгиз ва ёруғ юлдуз бўлиши турган гап.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

(Хислатли ҳикматлар шарҳи китобидан)